

Бу кийимни эҳтиёт қил!



08:00 / 05.06.2020 5231

Ибн Самъоний айтади: «Бир кампир Найсабур масжидини қураётган раис Абу Али Маниъийнинг ҳузурига ярим динар турадиган кийим кўтариб келди. «Масжид қураётганингни эшитиб, мен ҳам озгина нафақа қилиб, ҳисса қўшгим келди», деди кампир раисга қараб. Раис хазинабонни чақириб, минг динар келтиришини буюрди. Кампир олиб келган кийимни минг динарга сотиб олди. Хазинабон кийимни олгач, раис унга қараб: «Мана бу минг динар – кампирнинг номидан масжид қурилиши учун эҳсон. Бу кийимни эса менинг кафанлигим учун сақлаб қўй, Аллоҳ таолога шу кийимда йўлиқаман», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан